



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 5 февраль, № 24 (5698)

Сешанба

Улкан салоҳият ва янгиликлар одимлари



Ўзбекистон замини турли ноёб қазилмалар, нодир маъданларга бой. Уларни излаб топиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш мамлакатимиз кон-металлургия sanoati ривожда муҳим аҳамият касб этади.
Таъкидлаш жоизки, юртимиздаги рангли металл захираларининг катта қисми Олмалик руда майдонида жамланган. Бу ердаги Қалмоққир кони нафақат Марказий Осиё, балки дунёдаги энг ноёб конлардан бири ҳисобланади.

Фахр

“Олмалик кон-металлургия комбинати” очiq акциядорлик жамияти ана шу қондан мис-молибден рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича мамлакатимиздаги энг йирик sanoat мажмуаларидан бири сифатида бой тажриба ва салоҳиятга эга. Айни пайтда комбинат тасарруфидан 60 дан ортиқ таркибий бўлинмалар фаолият юротида, 27 миңдан зиёд кишилар ушбу гигант корхона атрофида жипслашган. Хусусан, комбинат таркибидан кон хом ашёси ишлаб чиқарадиган тўртта корхона, сульфат кислотаси тайёрлашга ихтисослаштирилган иккита металлургия заводи, механика-таъмирлаш ва оҳак заводи, кўплаб ёрдамчи цехлар мавжуд. Олмаликдаги “Қалмоққир”, “Сариққўқий”, “Ковулди”, Ангрэн шахридаги “Ангрэн”, Жиззах вилоятидаги “Учқулоч”, Сурхондарёдаги “Хонжиза” ҳамда Наманган вилоятидаги “Чодак” кон бошқармалари айни пайтда комбинатнинг бойитиш фабрикаларига кон хом ашёсини етказиб беришади. Эътиборлиси, тайёрланаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи экспорт қилинмоқда.

нинг амалдаги хом ашё базисини кенгайтириш, рангли ва кимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш устувор мақсад этиб белгиланди. Қувонарлиси, мазкур саъй-ҳаракатларнинг амалий самараси кўп ўтмай ўз натижасини берди. 2009 йилдаёқ фақат Қалмоққир конининг ўзида руда қазиб олиш 3,1 миллион тоннага, 2010 йилга келиб 6,1 миллион тоннага кўпайди. 2012 йилда эса кончилар жамоаси саъй-ҳаракати билан бу ердан 29 миллион тонна хом ашё қазиб олишга эришилди.

— 2012 йилни ижобий натижалар билан якунладик, — дейди комбинат бош директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Уктамжон Каримов. — Ўтган йил

сарҳисобига кўра, комбинатимизда маҳсулот тайёрлаш ҳажми 102,7 фоиз ўсди. Хусусан, кон хом ашёсини қайта ишлаш режаси 105 фоиздан ошириб бажарилди. Мис рудалари қазиб олиш эса 105,3 фоизга кўпайди. Табиийки, кейинги йиллардаги юқори ўсиш суръатлари давлатимиз раҳбарининг махсус қарорлари билан тасдиқланган инвестиция дастурлари, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи бурюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида комбинатда рўйбга чиқарилган истиқболли лойиҳалар самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

Модернизация — муваффақият омили

Албатта, бундай муваффақиятлар ўз-ўзидан кўлга киритилаётгани йўқ. Бир мисол: бундан саккиз йил муқаддам комбинат фаолиятида пасайиш кузатила бошлади. Қалмоққир конида эса руда қазиб олиш кескин камайди. Бу ҳол мисни

бойитиш ва рангли металлларни эритиш корхоналари ишига, умуман, ишлаб чиқариш участкаларида ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатди. Бу муаммо тезда ўз ечимини топди. Қисқа муддатда Олмалик кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш

бўйича дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга таъбиқ этила бошланди. Мазкур дастурда рудани қазиб олиш ва қайта ишлашнинг илғор технологияларини жорий қилиш, ички ва ташқи бозорда харидоригир бўлган янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби бир қатор амалий лойиҳалар қамраб олинди. Бу орқали комбинат-

Фаоллар йиғилиши

Шу кунларда жойларда ўтказилаётган фаоллар йиғилишида давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинмоқда. Бу ҳақда “Халқ сўзи” мухбирлари хабар беради.

Устувор вазифалар белгилаб олинди

Қорақалпоғистон Республикаси

Жўрғи Кенгес Раиси М. Ерниязов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ижтимоий дастурларни амалга оширишда самарали натижаларга эришилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, sanoat маҳсулотлари 8,7, халқ истеъмоли товарлари 10,6, қурилиш ишлари 19,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 13,2, савдо ва аҳолига пуллик

хизмат кўрсатиш 12,7 фоизга ўсди. Ўтган йили Сурғил кони негизда Устуорт газ-кимё мажмуаси қурилиши бошланди. Бу йирик корхона ишга туширилгач, йилга 400 миң тонна полиэтилен, 100 миң тонна полипропилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 5 миңга иш ўрни яратилади. Ҳисобот даврида 6 та йирик энгилд сананоат корхоналарида 65,5 миллион АҚШ долларилик модернизация ишлари амалга оширилгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИГА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Илгари хабар берилганидек, «Reuter Thompson» жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро нашри — «Project Finance International» Сурғил кони негизда Устуорт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидеги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этганди.

Эътироф

2013 йил 30 январь кунин Лондонда «Project Finance International» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда юксак мукофот «Ўзбекнефтгаз» МХК ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун ташкил қилинган Жанубий Кореянинг «Kogaz», «Lotte Petrochemicals»

компаниялари ва «Uz-Kor Chemicals» кўшма корхонаси консорциуми вакилларига топширилди. Нуфузли «Хилтон Парк-лейн» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тантанали тақдирлаш маросимида бутун дунёдан энг муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган энг

йирик халқаро экспорт-импорт агентликлари, инвестицион ва тижорат банклари, консалтинг компаниялари ҳамда юридик фирмаларнинг 400 нафардан зиёд вакиллари қатнашди.

Тақдирлаш маросимини очар экан, «Project Finance International» PFI нашрининг бош муҳар-

рири лойиҳавий молиялашнинг бой тарихи мобайнида Ўзбекистоннинг лойиҳаси илк бор тақдирланаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда Устуорт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДҲ газ-кимё сектори учун бу турдаги илк битим эканини қайд этди. Айнан ушбу факт лойиҳанинг инновационлиги билан бирга, уни йилнинг энг яхши битими, деб топиш учун асос бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси юзасидан турли давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари юртимизнинг хорижий эллардаги дипломатия ваколатхоналарига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Кенг кўламли ислохотлар ва тараққиёт

Ли Синь, Шанхай халқаро тадқиқотлар академияси ҳузуридаги Жаҳон иқтисодий ўрганиш институтининг ижрочи директори: — Ўзбекистон Президенти ўтган йилга якун ясар экан, 2012 йилда мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва эришилган муваффақиятлар омилларига холис баҳо берди, жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилгани баробарида, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг 2013 йил учун мўлжалланган устувор йўналишлари ва биринчи даражали вазифаларини белгилаб берди.

Кайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда самарали фаолият кўрсатишга қодир бўлган замонавий қонунчилик ва ҳуқуқий асос яратилгани ҳолда, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ҳар томонлама ислох қилишнинг чуқур ўйланган дастури ишлаб чиқилди ва у бугун муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Иқтисодчи сифатида шуни алоҳида таъкидлашнинг истардимки, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат — бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш сингари беш тамойилдан иборат тараққиётнинг “Ўзбек модели” ўзининг самарадорлигини амалда кўрсатмоқда.

билан айта оламани, мамлакатингиз раҳбариятининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги фаолияти юксак тахсинга сазовордир. Негаки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистонда ижтимоий жаҳда, таълим ва соғлиқни сақлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш сингари масалаларга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу эса БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал қилиш нуктаи назаридан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Амалга оширилган изчил чора-тадбирлар туфайли 2012 йили Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланди, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши таъминланди ва мамлакатнинг жаҳон бозоридики мавқеи янада мустаҳкамланди. Шу маънода, давлатингиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасини мамлакатда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш, иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтириш масалаларини қамраб олган, 2013 йил учун мўлжалланган ўзига хос “Ҳаракатлар дастури” дейиш мумкин.

Рожа Муҳаммад Абдулла, Ислам халқорлиги ташкилотининг Халқаро бизнес маркази директори:

Со Кон И, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси, эксперт:

— Мустақилликнинг илк йиллариданоқ иқтисодий жиҳатдан жадал суръатлар билан ривожланиб келаётган Ўзбекистоннинг муваффақиятларини кузатиб бориш менга мамнуният бағишлайди. Президент Ислам Каримовнинг 2012 йил якунлари бўйича маърузаси билан танишганимдан сўнг шуни ишонч

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг маърузасида келтирилган статистика маълумотлари sanoat, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш сингари асосий жаҳаларнинг жадал тараққиётдан далолат беради. Ўтган йили мамлакат иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси янада юксалгани қувонарли ҳолдир.

(Давоми 2-бетда).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислам Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёдғорхўжа Шодмонов мазкур мамлакат Президенти Ҳамид Карзайга ишонч ёрлиқларини топширди.

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислам Республикаси ўртасидаги икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги, шунингдек, маданий ҳамда гуманитар ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, турли йўналишларда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш учун салоҳият мавжуд эканлиги қайд этилди.

Афғонистон Президенти Ўзбекистоннинг раҳбарияти ва унинг барча халқига чин дилдан фаровонлик ва муваффақиятлар иззор этди.

«Жаҳон» АА.

Иш ўринлари кўпаймоқда

2012 йилда мамлакатимиз қишлоқларида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар

3 йил муддатга солиқлардан озод этилди.



Солиқ тизимида бу имтиёзнинг қўлланиши, ўз навбатида, соҳани ривожлантириш билан бирга, салкам 40 миңга иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ЖАҲОН

24 соат ичида



Жорий йилнинг январь ойида АҚШда 157 мингта иш ўрни ташкил этилган. Бу кутилганидан уч мингтага кам экани айтилмоқда.

Кутилганидан ҳам кам

Мамлакатда сўнги икки ой ичида бандлик масаласида ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Янги иш жойлари ташкил этишда, айникса, хусусий сектор корхоналари анча фаол қатнашаётир. Аммо давлат муассасаларида вазият бундай эмас. Улар ҳамон харажатларни тежаш мақсадида қисқартиришларни амалга оширишмоқда. Натижада ишсизлик 7,8 фоиздан 7,9 фоизга ўсган.

2012 йилда АҚШда ойига ўртача 181 мингта иш ўрни яратилган. Экспертлар мамлакат меҳнат бозорини яхшилаш учун ҳар ойда камда 250 мингтадан иш жойи ташкил этиш зарур, деган фикрларни илгари суришмоқда.

Ҳиндистон пойтахти Нью-Дели атрофида зарарли тунлар чиқариш борасида Пекинни ортада қолдирди, дейди «Евроньюс» телеканали хабарлари.



Афсонавий боксчи Муҳаммад Али (Кассиус Марселлус Клей) 1984 йилда Паркинсон хасталигига чалинган эди.

Боксчининг аҳволи оғир

Шу кунларда унинг аҳволи анча оғирлашган. Спортчининг акаси айтишича, Али тилдан қолган ва ҳатто яқинларини ҳам танимаяпти.

Боксчи касалликка йўлиққанида тушунлиқка тушмаган. Буни унинг узоқ йиллар жамоат ишларида фаол иштирок этиб келганидан ҳам билиш мумкин. Масалан, Али ўтган йили Лондон шаҳри мезбонлик қилган XXX эъги Олимпиада ўйинларининг очиш маросимида ҳам қатнашди. Шу тариқа бокс афсонаси хасталикка қарши ўз иродасини намойиш этди.

Дельфинлар ҳаёти сақлаб қолинди

Фарбий Австралия соҳилларида 150 тадан ортиқ дельфиннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бизга бу ажойиб сув жониворлари Олбани шаҳри соҳилларида саёзликка чиқиб қолгани ҳақида хабар беришди, — дейди Фарбий Австралия табиати муҳофазаси қилиш бўлими вакили. — Тезлик билан воқеа юз берган жойга етиб бордик. Ҳақиқатан ҳам дельфинларнинг ҳаёти хавф остида қолган экан. Вақтида улгурганимиз боис жониворлар яна уммон бағрига қайтарилди.

Жиноятчилар қидирилмоқда

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги «Висенте Пираджире» қамоқхонасидан 30 нафарга яқин маҳбус қочиб кетди.

Бу ҳақда «Би-би-си» хабар тарқатди. Маълум бўлишича, жиноятчилар қамоқхона ҳудудидан канализация қувури орқали ташқарига чиққанлар. Қўрилган тезкор чоратadbирлар натижасида қочқорлардан тўрт нафари қўлга олинган. Қолганларини эса қидириш ишлари давом эттирилмоқда.

Ушбу воқеа юз берган куни «Висенте Пираджире» қамоқхонасини 10 кишидан иборат навбатчи гуруҳ қўриқлаётганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бозорининг 2012 йил якунлари

Суғурта назарияси ва амалиёти шуни кўрсатадики, мажбурий суғурта давлат ва жамият учун муҳим бўлган соҳаларда татбиқ қилинади. Давлат томонидан мажбурий суғурта моддий зарар қоплашиши принципиал аҳамиятга эга бўлган жамият манфаатлари билан боғлиқ объектларга нисбатан қўлланилади.

2008 йил 22 октябрда қучга қирган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни буйича айни пайтда юртимизда ДАСК «Узгросуғурта» (ОАЖ), ДАСК «Кафолат» (ОАЖ), «Ўзбекинвест» ЭИМСК, «Альфа Инвест» ЭАЖСТ, «Kapital Sug'urta» ОАЖ, «Asia Inshurans» МЧЖ СК, «Alskom» ОАЖ СК, «Universal Sug'urta» ЭАЖ, МЧЖ «Ishonch» БСК компаниялари фаолият олиб бормоқда.

Республикамиз суғурта бозорида 2012 йил мобайнида суғурта компаниялари томонидан жами мазкур мажбурий суғурта тури буйича 1 522 747 донa суғурта полиси расмиёлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилдаги нисбатан 108,4 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда қабул қилинган суғурта мажбурийлари ҳажми эса жами 8 561,4 млрд. сўмга (119,8%) тенгдир.

2012 йил мобайнида суғурта компаниялари томонидан жами 4 256 донa (89,6%) умумий суммаси 6 027,0 млн. сўмлик (101,8%) суғурта дaъволари қониқтирилиб, 91 донa (87,5%), умумий суммаси 188,8 млн. сўмлик (103,5%) суғурта даъволари эса қониқтирилмасдан қолдирилди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар суғурта компаниялари кесимида

Table with 10 columns: T/p, Суғурта компаниялари, Тузилган суғурта шартномалари сони (дона), Жами, Улуши %, Утган йилдаги нисбатан %, Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм), Жами, Улуши %, Утган йилдаги нисбатан %, Қониқтирилган суғурта даъволари (млн. сўм), Жами, Улуши %, Утган йилдаги нисбатан %.

Худудлар кесимида йиғилган суғурта мукофотлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти етакчилик қилиб келмоқда. Улар мутаносиб равишда суғурта бозорининг 29,2% ва 10,7% улушини эгаллаган. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг улушлари энг кам бўлиб, мос равишда 2,1% ва 2,6%ни ташкил қилади. Қолган худудлар улушлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар республикамиз худудлари кесимида

Table with 10 columns: T/p, Худудлар, Тузилган суғурта шартномалари сони (дона), Жами, Улуши %, Утган йилдаги нисбатан %, Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм), Жами, Улуши %, Утган йилдаги нисбатан %, Қониқтирилган суғурта даъволари (млн. сўм), Жами, Улуши %, Утган йилдаги нисбатан %.

2012 йил мобайнида суғурта компаниялари томонидан суғурта мукофоти бўйича 57 615 суғурталовчига 822,6 млн. сўм миқдорда сиёловлар берилди. Ушбу давр давомида Туловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан суғурта компаниялари жамғармага тақдим этган ҳужжатлар асосида 43 282 та суғурта шартномаси бўйича 562,4 млн. сўмлик сиёловлар компенсация қилинди. Туловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги 258 та илтимоснома бўйича 405,1 млн. сўм миқдорда компенсация туловлари амалга оширилди.

Маълумотлар суғурта компаниялари ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Туловларни кафолатлаш жамғармаси.

Хаводаги зарарли тунлар

Яъни айни пайтда бу ерда ҳар бир кубометр ҳавога тўри келаётган зарарли моддалар миқдори 400 микрокилограммни ташкил этмоқда. Бу Хитой пойтахтидаги кўрсаткичга нисбатан икки баробар кўпдир.

Мамлакатда ушбу муаммага қарши курашиш чора-тадбирлари белгиланган. Аммо улар ижроси кўнглидагидек эмас. Шу боисдан ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тузилган дунёдаги энг ифлос ўн та шаҳар рўйхатида Ҳиндистоннинг бир йўла олтин кенти киритилган.

Хаводаги зарарли тунлар Яъни айни пайтда бу ерда ҳар бир кубометр ҳавога тўри келаётган зарарли моддалар миқдори 400 микрокилограммни ташкил этмоқда. Бу Хитой пойтахтидаги кўрсаткичга нисбатан икки баробар кўпдир. Мамлакатда ушбу муаммага қарши курашиш чора-тадбирлари белгиланган. Аммо улар ижроси кўнглидагидек эмас. Шу боисдан ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тузилган дунёдаги энг ифлос ўн та шаҳар рўйхатида Ҳиндистоннинг бир йўла олтин кенти киритилган.

Advertisement for 'XALQ SUIZI' with phone numbers: 232-11-15, 236-09-25.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ оқиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 12 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган (собик 2-автокорхона), ер участкасининг умумий майдони 2,01 гектар, ҳақиқий майдони 11583,0 кв.м., бино ва иншоотларнинг умумий майдони 2382,5 кв.м., периметр узунлиги 236 м. бўлган 3 та бино ва 2 та иншоотдан ташкил топган объект такроран савдога қўйилган. Бошланғич нархи — 1 403 696 700 сўм.

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2013 йил 7, 14, 28 март ва 4, 11 апрель кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Оқиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амр Темур шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:

Table with 5 columns: T/p, Устав фондидаги улуш сотилиётган ҳўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳўқуқий шакли, Устав фондидаги улуш сотилиётган ҳўжалик жамиятининг Манзили, Асосий фаолият йўналиши, Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%), Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси сўм, АҚШ доллари.

Оқиқ аукцион шартлари Оқиқ аукцион қолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблагни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисmini бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига таклиф этади. I. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

2. ФИБ Денов туманларо судининг 2012 йил 18 январдаги 1-779-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, Ш. Қобилов номили ширкат ҳўжалиги, Элобод маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 210,0 кв.м., савдо, автотехизмат шохбачаси ҳамда умумовқатлаш ва маиший хизмат шохбачаси биналари (А- литердаги савдо дўкони, В- литердаги ертўла ва маиший хизмат, В- литердаги охиона ва теххизмат).

Халқ хунармандчилиги



Оддий лойни турли шакллarga солиб, ундан гўзаллик яратаётган инсонлар меҳнатини кузатсангиз, чинакам мароқ туясиз. Шунда кулоллик меҳнатига эмас, ҳақиқий санъат эканлигини англайсиз. Ўзбекистон Бадий академиясининг ижодкорлар уюшмаси аъзоси Одилбек Матчанов ҳам донгдор санъаткор кулоллардан.

Барҳаёт анъаналар ЭЪЗОЗИ

— Салкам тўрт юз йиллик тарихга эга хунармандлар сулоласининг авлодиданман, — дея гурур билан сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Бу номга муносиб бўлиш учун кўп машаққатларга дош беришга тўғри келган. Илгари хунармандларга эмин-эркин фаолият юритиши учун рағбат ва имтиёзлар, миллат маданияти ва санъати ни жаҳонга ёйишдек имкониятлар йўқ эди. Бугунги шароит ва имкониятларни эса санаб саногига етолмаймиз. Акам Матчанов билан ота-боболаримиз ишини давом эттириб, Хоразмнинг бетакрор бодилари (лаган) ва кўзалар, кўзачалар, тошчиноқ, коса, чойнақлар, бинолар ташқарисини безатишда ишлатилган қошинлар тайёрлаймиз. Янги устахона қурдик. Бу ерда иш ҳеч қачон тўхтамайди.

Ота-боболаримиз: “Хунарли киши кам бўлмайди”, дея бежиз айтишмаган экан. Биз ҳам 2003 йилда ЮНЕСКОнинг грантига сазовор бўлдик. 2007 йили эса Президент соврини учун анъанавий ўтказиб келинаётган “Ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичида “Энг яхши хунарманд” йўналиши бўйича иккинчи ўринни эгалладик...

Бу ерда қадимдан лой қорши, бўёқ тайёрлаш, нақш солиш ва ясалган буюмларни пишириш сирлари отадан фарзандга, фарзанддан набирга ўтиб келаверилади. Одилбек ҳам болалигидан кулоллик дастгоҳи ёнида ўтириб, биринчи сабоқни отаси — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳимберди Матчановдан олди. Кейинчалик унга хоразмлик моҳир кулоллар — Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Давлатназар Муҳаммадов ва Муҳиддин Жалолов,

Аминбой Мирзаев устозлик қилишди. Суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, кулоллик санъати сир-асрорларга лимма-лим. Тўғри келган лойдан куюлмас ясаб бўлмайди. Кулоллар зарур лойни кузда ариқлардан излаб топишади. Уни бир йилга етадиган қилиб гамлаб, тепкилаб пиширишади. Ясалган идишга нақш солиниб, сирланади, кейин хумдонда пиширилади. Сирлаш учун зарур ишқорли модда “қирқ бўғин” деб аталувчи гиёҳдан олинади. Июль ойида шундай гиёҳлар бир жойга тўпланиб, ҳўл холича куйдирилади. Унинг қулидан ишқорли модда олиниб, яна қайта ишланади. — Бу ишнинг нозик жиҳатлари кўп, — дейди Одилбек ака. — Гиёҳнинг қулига сариқ кум аралаштирилиб, хумдонда 900 даражага қиздирамыз. Шундан сўнг ҳосил бўлган ишқорга маълум миқдорда шимма синиқларини қўшиб тегирмондан ўтказамиз. Кейин буюмларнинг ялтироқ қатлами учун ишлатилган модда тайёр бўлади. Биласиз, кулоллик қўл меҳнатига асосланган. Бироқ бу ишга қалб кўри, меҳрни бермасан иш ўхшайди. Оддий лойдан мўъжизанамо нарсалар ясашнинг ўзи бўладими? Одилбек ака ўз билимларини нафақат Хоразм, балки Фарғона, Бухоро, Намангандаги

Устанинг издошлари ҳам кўп. Ўғли Оғабек ва жияни Шўҳрат айна пайтда Хонқа қурилиш касб-хунар коллежининг қошинкорлик бўлимида таҳсил олиш билан бирга, кулоллик сирларини ўрганишмоқда. Айна пайтда улар янги фоя ва режалар устида ижод қилишяпти. Энг муҳими, уларнинг сай-ҳаракатлари замирида ота-боболардан мерос анъаналарни келгуси авлодга етказишдек эзгу ният мужассам.

Одилбек ака ўз билимларини нафақат Хоразм, балки Фарғона, Бухоро, Намангандаги Устанинг издошлари ҳам кўп. Ўғли Оғабек ва жияни Шўҳрат айна пайтда Хонқа қурилиш касб-хунар коллежининг қошинкорлик бўлимида таҳсил олиш билан бирга, кулоллик сирларини ўрганишмоқда. Айна пайтда улар янги фоя ва режалар устида ижод қилишяпти. Энг муҳими, уларнинг сай-ҳаракатлари замирида ота-боболардан мерос анъаналарни келгуси авлодга етказишдек эзгу ният мужассам.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Шамурот ШАРАПОВ олган сурат.

Хайрли ташаббус, юқори самара

Мутахассисларнинг айтишларича, Ер куррасининг айрим жойларида кечаятган иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар ва экологиянинг бузилиши баъзи хасталикларнинг “ёшариб” боришига замин ҳозирламоқда. Шулардан бири кўкрак беши саратонидир. Мамлакатимизда “Хаёт учун!” кўкрак беши саратонига қарши курашиш миллий уюшмаси ушбу хасталик ва унинг асоратларини олдини олиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий саводхонлик ва маданиятни юксалтириш борасида муйаян ишларни амалга оширмоқда.

Саломатлик

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили бир миллион нафарга яқин бемор мазкур хасталик билан рўйхатга олинар экан. Тажрибадан маълумки, унинг олдини олиш, асоратсиз даволашда, аввало, бемор ўзига эътиборли бўлиши талаб этилади. Шу асосда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Республика Онкология илмий маркази ва Ташкент шаҳар онкология шифохонаси мутахассислари иштирокида барча вилоятларда аёллар малакали тиббий кўриқдан ўтказилди. Зарур ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатилиб, керакли дори-дармонлар тарқатилди. Бундай сай-ҳаракатларда ҳамкорлигимиз — Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Salus Vita” ва “MDS-сервис” тиббиёт клиникалари ҳамда “Дори-дармон” АЖнинг кўмаги катта бўлмоқда. Ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида махсус дастур асосида аёлларни тиббий текширувдан ўтказиш анъанаси айланган.

ри остида турли спорт мусобақалари ва марафонлар ташкил этилаётгани ҳам ушбу хасталикка чалинганларга руҳий мадад бўлмоқда. Бунда юртимизнинг таниқли кишилари, спортчилар, санъаткорларнинг иштироки тадбир нуфузини янада оширмоқда. Қолаверса, “Хаёт учун!” миллий уюшмаси ташаббуси билан жойларда ташкил этилаётган семинар-тренинглар ҳам аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилаётир. Бундай машғулотларда шифокорлар, руҳшуносларнинг иштироки, ўз вақтида қилинган муолажалар сабаб хасталиқдан бутунлай тўзаланган аёлларнинг дил сўзлари ёзилган видеоролик ва слайдларнинг намоиши этилатгани анжуманларнинг таъсир доирасини янада кенгайтирмоқда.

Мухтасар айтганда, аёлларда кўкрак беши саратонининг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш ва даволашда тўғри ташхис қўйиш, профилактик чоралар қўлаш муҳим аҳамият касб этади. Тиббиёт ютуқлари шунки кўрсатмоқдаки, ушбу хасталик бедаво эмас. Даволаниш жараёнидаги эътибор, касаллиқни енгишга бўлган ишонч, яшашга кучли иштиёқ мазкур хасталиқни мағлуб қила олади. Зеро, руҳий мадад инсондаги ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, курашга, яшашга ундайди.

Шаҳноза УМАРОВА, «Хаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмаси директори.



Спорт

Намангандаги “Пахлавон” спорт жамуасида эркаклар ўртасида теннис бўйича Дэвис кубогининг Осиё — Океания минтақаси биринчи гуруҳи доирасидаги бахслар ниҳоясига етди.

Унда теннисчиларимиз Хитойдан ташриф буюрган спортчилар билан куч синнашди. Айтиш кераки, хитойликлар билан бўлган бу галги бахслар Ўзбекистон терма жамоаси вакилларининг кетма-кет галабалари билан яқунлади. Жумладан, теннисчиларимиз Денис Истомин ва Фаррух Дўстов рақиблири билан курашда устунликка эришишди. Жуфтлик бахсларда қорғат тўшган Истомин — Дўстов ва Мао Хинг Тонг — Зе Жанг ўртасидаги курашда ҳам ҳамюртларимизнинг қўли банд келди. Мусобақа якунидаги Сарвар Икромов ҳамда Зе Жанг ўйинининг вақилимиз фойдасига ҳақ бўлиши эса Ўзбекистон теннисчиларининг тўла галабасини таъминлади. Шундай қилиб, терма жамоамиз 4:1 ҳисобида голиб чиқиб, халқаро турнирда навбатдаги муваффақиятини нишонлади. Энди теннисчиларимиз жорий йил апрелда ўтказиладиган навбатдаги босқичда Австралия спортчилари билан қорғат тўшадилар. Н. ҚУДРАТОВ.

Реклама ва эълонлар

«ЎЗБЕКНАВО» ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ тақдим этади! 2013 йил 3 март соат 19.00 да «ИСТИКЛОЛ» санъат саройида муҳтарам Юртбошимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларининг ижросини таъминлаш, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Марди майдон!» қўшиқлар фестивали ғолибларининг «Дилларда Ватан мадҳи» деб номланган жонли ижродаги концерти ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиали очиқ аукцион савдосига тақдир этади! 2013 йил 12 март куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Қўштепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Қўштепа тумани судининг 2012 йил 17 августдаги 1-135-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўштепа тумани ИИБда сақланаётган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2101» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 Е 2661. Бошланғич баҳоси — 2 800 000 сўм. Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-123-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 А 944 ЕА. Бошланғич баҳоси — 23 200 031 сўм. Юқоридаги мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йил 28 март куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш қуни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хонада бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар

Яхши хабар

Бухоро шаҳрида вилоят мудофаа ишлари бошқармасига қарашли йиғин пунктининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Чақирилувчилар учун қулайлик

Бунёдкорлик ишларига давлатимиз томонидан 2 миллиард 800 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, бино замонавий мебеллар, алоқа воситалари ҳамда илгор тиббий ускуналар билан жиҳозланди. — Йиғин пунктидаги қулайликлар, айниқса, спорт майдончаси, ошхона, ювиниш хоналари, тиббий кўриқдан ўтиш учун

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ савдолар залида 2013 йил 18 февраль ва 5 март кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 6 августдаги 14-1203/8479-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулк такроран савдога қўйилади: Самарқанд шаҳри, Лозазор кўчаси, 18-уйда жойлашган савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохбосчаси. Умумий ер майдони 697,83 кв.м., қурилиш ости майдони 249,83 кв.м., фойдаланиш майдони 207,72 кв.м. Бошланғич баҳоси — 190 000 000 сўм. Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулк 2013 йил 18 февраль кундаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 5 март куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади. Мазкур кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Узсанотқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054. Манзилми: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.

СОТАМИЗ: • ИСТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача • БЛОКИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача • НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технология реакторлар. • ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА. * Буюртма бўйича. Маҳсулот сертифициланган. Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32. Моб. тел.: (+99891) 162-03-25, (+99891) 162-03-26, (+99891) 162-03-28. e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кеңаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кеңаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 227 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тажрибта келган қўлмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орнгов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Д. Улугмуродов. Мусаҳҳиш — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.20 Тошйирлиди — 22.25 1 2 3 4 5